

ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 ИЮЛЬ, ЖУМА

№ 132—133 (628).
1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

Қўшилмаган мамлакатлар ахборот вазирларининг тўртинчи анжуманида Ўзбекистон вакиллари биринчи бор иштирок этишди

Корея Халқ Демократик Республикаси пойтахти
Пеньян шаҳрида қўшилмаган мамлакатлар ахборот
вазирларининг тўртинчи анжумани бўлди.

Унда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси вакиллари ҳам қатнашди.

Ўтган йили Индонезияда қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлган Ўзбекистон бутун дунёга республика ўзининг ташқи сиёсатида тинчлик ва ҳавфсизликни мустақамлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бирор ҳарбий блокка қўшилмаслик, барча тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорлик қилиш қондаларига амал қилаётганини яна бир бор намоён этилди.

Ўзбекистон Республикаси қўшилмаган мамлакатлар (уларнинг орасида: Миср, Хиндистон, Индонезия, Эрон, Қувват, Малайзия, Покистон, Саудия Арабистони, Сирия, Афғонистон ва бошқалар) ахборот вазирларининг шу учрашувида иштирок этган собиқ

СССРдаги бирдан-бир давлатдир. Бу анжуманда 65 дан зиёд мамлакат, шунингдек БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа етакчи халқаро ташкилотлар ахборот маҳкамаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Ахборот алоқаларини ривожлантириш, алоқа воситалари тизимини вужудга келтириш ва ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлиқнинг энг муҳим муаммолари муҳофаза қилинди. Қабул этилган ҳужжатларда қўшилмаслик ҳаракатида қатнашувчи давлатлар турмушдан ҳолисона ахборот берилишига қўмлаштириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун ахборот маҳкамалари ўртасида мустақам алоқа ўрнатилиши, материалларни айирбош қилиш, ходимларни тайёрлаш

ва қайта тайёрлашда бир-бирига ёрдам бериш зарур. Анжуман иши чоғида долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олинди, дунёнинг турли минтақаларидаги ҳарбий можаҳроларнинг бартараф этилишига доир фикрлар баён қилинди.

Шу қадар муътабар анжуманда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг қатнашгани Ўзбекистон ахборот билан таъминлаш соҳасида ошқоша ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишга тайёрглигининг далилидир. Учрашув чоғида Ёш давлат турмушига зўр қизиқиш билан қараётган бир қанча хорижий давлатлар ахборот маҳкамаларининг раҳбарлари билан дўстона суҳбатлар бўлди, алоқалар ўрнатилди.

Ахборот вазирларининг навбатдаги учрашувининг Нигерияда ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 ИЮЛЬ КУНИ ТУРКИЯДАН КАЙТИБ КЕЛДИ

Жумҳуриятимиз раҳбари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)нинг Истанбул шаҳрида ўтказилган олий даражадаги кенгашида иштирок этди.

И. Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раис Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков,

Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдilar. (ЎзА).

Бизнинг анкета

МУСТАҚИЛЛИК— ТАҚДИРИМИЗДА

«ЖАЛҚ СҮЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИК ТУЯН АРАФАСИДА ҲАМКАРЛИК БИЛАН САМИМИЙ МУЛОҚОТ БОШЛАЙДИ. БУ ҚИЗГИН СУҲБАТЛАР БИЗНИНГ САВОЛ-АНКЕТАМИЗ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШАДИ. ДИЛЛАРИНИ ТУЛ ҚИЛАНТИРУВЧИ БУ МУЛОҚОТГА ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРАДИГАН ҲАММА-ҲАММАНИ ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ.

1. Истиқлол сизнинг тақдирингизда қандай аҳамият касб этмоқда?
2. Мустақиллигимизни мустақамлашга қўшедиган ҳиссангизда қўлингиз тўлдири!
3. Ўзбекистоннинг келажакни қандай орзу қиласиз?

Тухфанисо ОРТҚОВА —
Тошкент шаҳри (Ўқитувчи):
1. Истиқлол шубҳасиз
юртдошларим қатори меннинг
ҳам қўнгилимни муқаддас
қисларга тўлдирди. Ўзбекистон
қўнгилни англаш, тарихимизни
ҳақиқат кўзгусида кўриш,ҳеч кимнинг юртини босиб
олмаган ота-боболаримиз
босмачи ўтмаганларини энди
баралла айта олишганимизда
дан фахру ифтихор туяман.
Бегона тилда дил дардини
тўлиқ ифода қолмайди, қўн
ганларимиздаги музтарлиқдан,
тортиниб-қимтинибдек юр
лардан елкам ҳалос бўлган
лигидан қувонаман. Истиқ
л менга эрк берди, том
маънодаги ўзигимни топа
бологанимни қимил ишонч
билан таъкидлай оламан.2. Баъзан олдинги давр
ларни кўсмаб, «мустақиллик»
йўли эди, лекин дўноқларда
ҳамма нарса бор эди, арзон
эди» деганларини эшитганим
да, бу ўринсиз гапларга жа
воб қайтаришга уринаман:
ахир янги рўзгор дарҳол бекаму-қўст кун кўра бошла
майдил-ку. Бизнинг ўзбек
одадида ўқилинган оиласини
бошқа қилиб қўйдиган ота
она бир-икки ойлик озик
овқат ва ўта зарур рўзгор
буюмлари билан ёшларни
таъминлайди-ку. Сабабки,
дастлабки йиллар улар ҳори
масин.Қозонимизни вақтинчалик
тўлдиролмаслигимиз, аммо ма
навий армиямизни қўлга ол
ганлигимиз — энг катта
бахт! «Бизнинг» кўчамизда
ҳам байрам бўлаётганлиги
дан қувона билишимиз ке
рак. Мен мустақил жумҳу
риятимизнинг келажак ага
лари бўлган болалар онига
ҳам шу фикрни сингдиришга
уриняман. Бу қийинчилик
ларнинг роҳати ҳали кўп
йилларга татийини тушутир
ялман.3. Улуғ йўл бошида туриб
миз. Энг яхши кунларимиз
ҳали олдинда. Оллоҳдан биз
ни қўллаб-қувватлашини сў
раймиз. Аммо: «Сендан ҳара
кат — мендан баракат», де
ган гапни унутмаслигимиз
лозим.

Дўстлик ришталари

«ЯНГИ КУН»—ЯНГИ КЎПРИК

Буюк Турон замини ўзининг тиланиш даври
бошдан кечирмоқда. Бу замин халқлари — Марказий
Осиё давлатлари иқтисодий-сиёсий, маънавий, тарихий
жиҳатдан улкан ўзгаришлар қилмоқдалар.Мустиқил қадам ташлаб
бошлаган Туронзамин дав
латлари бу борада қўллаб
масалаларда биродарларча,
елкама-елка туриб турли ма
шқат ва қийинчиликларни
енгиб ўтишяпти. Озодликбарча халқларда дўсту қар
дошларга ўзаро ҳурмат туй
ғуларининг асл моҳиятини
намоён қилмоқда. Бунинг
дан ҳис қилган Марказий
Осиё давлатларининг халқ
лари ҳар жиҳатдан бир-бирига кўпроқ интилишмоқда.
Янги-янги иқтисодий, сиёсий,
маънавий кўприклар қурила
яптики, улар эзгуликка хиз
мат қилиши тайин.Мана шундай маънавий
кўприклар бири — «Янги
кун» газетаси нашрдан чиқа
бошлади. Газета ўз олдида
Марказий Осиё халқлари
ҳамкорлиги ва тараққиётга
қўмлаштириши мақсад қилиб
қўйган. Унинг саҳифаларига
назар ташласангиз, мазмун
ва географик жиҳатдан ранг
баранг бўлган материаллар
Туронзамин халқларининг
барча соҳаларда амалга оши
раётган бутунги ишларидан,
ҳаётдан ҳикоя қилади.Бутунги ташланаётган ҳар
бир эзгу қадам эртанги
ойдин кунларга хизмат қи
лажаган аниқ. «Янги кун» га
зетаси ҳам, ишончимиз ко
милки, Марказий Осиё халқ
лари манфаати йўлида хайр
ли ишларни амалга ошира
ди. Ҳамкасбаримизга ижо
дий мунафақиятлар ёр бў
син!

Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

МАҚСАД—ИЖРОНИ ТАЪМИНЛАШ

Дунёда энг қиммат нарса нима! Олмосми! Олтинми!
Йўқ. Ахборот! Ахборотдан унумсиз фойдаланиш, ёзу
чиси Абдулла Қадҳор айтишдек, автоматик кучини
ўқини ёршига сарфлашдек гап.Кучини катта ишларга йў
налтириш мақсадида Қўнон
шаҳар давлат назорати қо
шида ахборот маркази таш
кил қилинди. У шаҳар ва
унинг атрофидан давлат
назорати идораларига ҳам
хизмат қилади. Марказ тула
компьютерлашган. Республи
ка пойтахти ва вилоятдан ке
ладиган барча фармон ва
фармойишлар бевосита ахбо
рот марказида жамланади.
Ана шундай қилинса, фармон
лар бир-бирини тўлдириб,
уларнинг кучи яққол намоён
бўлади. Ҳаётга татбиқ қилиш
осон кечади. Ижродаги ту
шунмовчиликлар барҳам то
пади. Шунингдек, давлат на
зорати фаолиятига доир маъ
лумотлар ахборот маркази
орқали юқори ташкилотлар
га узатилади. Бунда, аввал
вақт тежалади. Иккинчи
дан, ёнгилик иқтисод қилина
ди. Бирор-бир фармойиш
ёки кўрсатмани олиб келиш,
маълумотларни етказиш
учун пойтахтга қатнаш бар
ҳам топади.Қўпчилик, ҳатто айрим
раҳбарлар давлат назорати
идоралари фаолиятининг асл
моҳиятини ҳали тўла англаб
ололганлари йўқ. Улар идо
рамиз ишини олдинги халқ
назорати қўмиталари фаоли
яти билан аралаштириб юбо
раятчилар. Аввалга тез-тез
текширувлар ўтказганимиз
бонс уларда шундай тушу
нча пайдо бўлгандир. Лекин
шунинг таъкидлаш лозимки,
давлат назорати — моҳиятан
янги тизимдир. Ваэифамиз
камчиликларни фойда
эмас, балки уларнинг олди
ни олиш, чуқур ижтимоий-иқ
тисодий таҳлилларга суяниб
ни олиб бориш. Бунинг учун
бизга ахборот, маълумот ке
рак. Ҳозир паҳримиздагибарча ташкилотлар, ишлаб
чиқариш муассасалари ҳақи
да маълумотларни ахборот
марказига йиғишимиз. Прези
дент фармонларини бажариш
учун фалон йлора ёки кор
хонанинг имконияти неча
фонд, нима қилсак ишда
узилиш бўлмайди? Ана шу
саволларга компьютер жавоб
беради. Ҳатто шаҳар истиқ
боли, унинг эртанги кундаги
ютуқ ва муаммолари ҳақида
ҳам аниқ таҳлилга суяниб
тўғри ҳулосалар ясаш мум
кин. Фармонни бажармайсан
деб ҳадеб қисди-бастига
олавериб билан иш юриш
майди. Бу ҳолингиз объектив
ва субъектив сабабларни
очиб бериш, шунга қараб ке
ларини йўналишини белгилаш
лозим. Ахборот марказида
ишлайдиганларнинг зиммаси
га ана шундай оғир ва масъу
лиятли вазифа юклатилган.Ахборотларни йиғдик, тах
лил ҳам қилдик, дейлик. Уни
ким жорий этади? Бунинг
ҳам йўлини ўйлаб қўйган
миз. Давлат назорати ва ша
ҳар ҳокимлиги биргалик
да қўшма қарор қабул
қилгач, ягона тизим тузил
ди. Бундан қўзланган мақ
сад: Президент фармонлари,
қонунавлар, ҳукумат қарорла
рининг моҳиятини ҳар бир
киши онига етказиш, улар
нинг амалга оширилишини
таъминлаш ва шу йўналиш
даги ишларни назорат қи
лиш.Бу юмушларни амалга
ошириш учун энг кичик кор
хонадан тортиб, гигант муас
сасаларга ҳам ҳамма жойда
ишчи гуруҳи тузилди. Ша
ҳар ҳокимлигининг масъул
ҳодимлари ва назоратчилар
бу ишга бош-қош бўлдилар.
Йилнинг ҳар чорагида Фар
монлар ижросининг бориши
ҳақида ҳисобот эшитиб туДавлат назорати идорала
ри тўғрисида Президент
Фармони чиққунча фақат
бир ташкилот — прокурату
ра олий назорат органи ҳи
собланарди. Ўзбекистон Пре
зиденти 1992 йил 13 январ
да имзо чеккан «Ўзбекистон
Республикасининг Давлат
назорати комитетини таъсис
этиш тўғрисида»ги Қонунда
бу ҳуқуқ прокуратурадан дав
лат назоратига олиб берилди.
Яъни, эндиликда фақат дав
лат назоратига олий назо
рат-тектирув органи ҳисоб
ланади. Шундай экан, ана
шу мавқе ва нуфузга муно
сиб ишлашга ҳаракат қили
шимиз, бунинг учун усул ва
услубларимизни доимо та
комиллаштириб боришимиз
керак.Баҳодир ТҲИЧВОВЕВ,
Қўнон шаҳар давлат назо
рати назоратчиси, Ўзе
бекистон халқ депутати.

ҚАРШИ—САМАРҚАНД ПОЕЗДИ

ҲОЗИР йўловчилар учун
энг қулай ва арзон транс
порт поезд бўлиб қолди.
Қарши темир йўл бўлими
йўловчиларнинг талаб ва
истакларини ҳисобга олиб,
кейинги пайтларда Қарши—
Шаҳрисабз, Қарши — Бухоро оралигида поездлар
қатновини йўлга қўйди.
Йўлда Қарши — Самар
қанд йўналишида ҳам по
езд қатнай бошлади.
Қарши темир йўл бўли
мининг бошлиғи А. Тўчи
евнинг айтишича, Қарши—Самарқанд оралигида қат
найдиган поезд ҳар кун
икки марта манзилига бо
риб келиб, 4 минг йўловчи
га хизмат кўрсатади.

Г. ПУЛАТОВ,



МЕБЕЛЬ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, РИШТОНГА КЕЛИНГ

РИШТОН мебель фабрикаси тай
ёрлаётган маҳсулотлар жаҳон бозо
рига чиқадиган бўлди.ЧУНОНЧИ, фабрика жамоасининг «Кам
дат» ҳинд фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб
чиқарилган «Ганг гули» номли юмшоқ ди
ван-креслолари Сингапур бозорларида соти
лади. Бундан ташқари, корхонада америкалик
мутахассислар ҳамкорлигида «Улуғбек» ёр
ли билан диван-кресло тайёрланмоқда. У
ҳам валюта ҳисобида керакли буюмларга айир
бошланади.

ҲАР ОИЛАГА 100 КИЛОДАН БЎҒДОЙ

ҚИШЛОҚ хонадонларининг шахсий

омборлари гаплга ёпиқ қолди.

ПРЕЗИДЕНТ фармони билан берилган то
морқа ерларига эндиликда қўпчилик дон
эка бошлади. Ҳўжаликлар ҳам йилга ҳар
оилага юз килодан бўғдой улашяпти.
Ҳўжалик омирбонлари аҳоли қўлида дон қў
пайгани Андижон ун комбинатида янги теги
мон куришни таъқозо этди. Ҳўзир комбин
ат кунига 10 тонна донни тортиб беришдан таш
қари аҳолига янада қулай бўлиши учун улар
келтирган бўғдойни ўша заҳоти унга алмаш
тириб бермоқда.

СИГИРНИНГ СУТИ ТИЛИДА

НУКУС туманидаги «Россия» дав
лат ҳўжалиги чорвадорлари сиги
рлар сутини қўпайтириш йўлини то
тишди.АСЛИДА улар янгилик яратилгани йўқ,
балки сигирнинг сuti тилида эканлигини
амалда исботлашди. Биринчидан, ҳар бир де
ҳқончилик участкасида алмашлаб экиш аниқ
жорий этилди. Натигада беда, дон, сикос,
бошқа озуқабоп ўтлар қўпайди. Иккинчидан,
зотдор сигирлар қўпайтирилди. 250 бош нас
лдор сигирлар подасига Болтиқбўйидан яна 50
бош зотли сигир келтириб қўшилди. Ҳўжалик
чорвадорлари шу йўл билан подадаги моллар
ни яқин йиллар ичида серсут сигирлар билан
алмаштиришмоқчи.

МОТОРДАН ТОРТИБ

ВЕЛОСИПЕДГАЧА

АНДИЖОН туманидаги Оқор мо
тор таъмирлаш заводи ўтган йили
«Тинксан» ўзбек-турк қўшма корпо
раси қуриб, Марказий Осиёда би
ринчи марта тикув машинаси ишлаб
чиқаришга киришган эди.БУ ЕРДА яқинда Ўзбекистон — Россия
«Саяр» корхонаси ҳам очилди. Унда авто
машина ва тракторлар учун стартер, генера
тор, реле ишлаб чиқарилмоқда. Мехнат жа
моаси ҳўжаликлар ва аҳолига керак бўладиган
қувватли насослар, енгил машиналарга улама
аравача, темир сўри, панжара, болалар вело
сипеди ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ БЎЛАДИ

ШУ ЙИЛ май ойидаги селдан за
рар кўрган Қува туманидаги Бирлик
ва Янги Сор қишлоқлари қайтадан
қурилмоқда.ҚУРИЛИШ ташкилотлари ўтган вақт ичи
да 37 оилага янги уй қуриб берди. Кам ши
кастланган хонадонлар эса таъмирланмоқда.
Янги кунларда қурилиш ишлари ниҳоясига
етиб, ҳар икки қишлоқда ҳовли тўйлари бош
ланиб кетади.

КОНЧИЛАР ВАЗИЯТНИ ТУШУНИШДИ

АНГРЕН. 9-июлда 190 метр
чуқурликдаги янги кўдўк тайёр
бўлди.ЭНДИ шахтёрларнинг кўпроқ қўмир қазиб
олишларига имконият келтилади. Иссиқлик
электр станцияларига ва қишлоқларнинг ак
сариятига табиий газ етиб бормгани бонс
қўмирга эҳтиёж катта. Буни яхши англаган
кончилар бу йил замин қатъидан икки ҳисса
кўп ёқилги олиш ниятда.

ВОКЕЛААР

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

Қачонгача бирини олиб бирнга уришади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати Фарғона вилояти бошқармасининг мутахассислари бир қатор консерва заводлари фаолиятини алоқадан ўтказишди.

Таассуфлар бўлсинки, текширувдан ўтган барча корхоналарнинг шифати қондирилган. Масалан, Кува консерва заводи (директори В. Холбеков, бош ҳисобчиси О. Махсудов)ни олайлик Корхона ўтган мавсумда ҳў-халқилардан маҳсулот сотиб олиш режасини атиги 39,3 фоизга уйдирган, қол-қос. Буннинг устига қайта ишлаб сотган маҳсулотларнинг ўта даражада сифатсизлиги учун бир қатор харидорлар, жумладан Усть-Каменогорск, Стерлитамак ва Канский савдо корхоналари, Курган умумий оғатланган базаси уларга ҳанузгача пул бергани йўқ. «Ўзбексавдо» таъшилотини эса улар юборишган 34,4 минг шартли банка узум шарбатини қандилик даражаси белгиланганидан камлиги учун қайтариб юборди. Аммо корхонадаги бошқармалар шундан кейин ҳам бу ишга аёбдор шахсларнинг лоқал мушукларини яшириб қўйишди.

Сифатсиз маҳсулот тайёрлаганликлари учун бошларидан синган бу калтаклар камчилиги қилганидек, улар жойлардан шартномага кўра «бартер» йўли билан олинишни керам бўлган материалларини ҳам лавдаурлик қилишиб тўлиқ ундиришолмай, чапан чалиб қоллаверган. Масалан, корхонадагилар Канск базасидан шартномага кўра 840 куб метр тахта олиши керак эди. Амалда эса 318 куб метригина етиб келди, қол-қос, Омск шаҳридаги «Наш дом» корхонасига 424 минг 930 сўмлик маҳсулот жўна-тиб, ўрнига ваъда қилинган қурув, металл ва тахтиани ҳам ололмади, қуруқ қолишган. Шунингдек, улар «Росагропродукт» таъшилотидан 600 тонна қурув, 300 тонна металл, 40 тонна бўёқ, Тольятти савдо базасидан савиқсизта «Жигули» автомашинасини ҳам ундиришолмай доғда юришибди. Консервачилар «Кримпримаш» корхонасига ҳам 4.317.524 сўмлик маҳсулот етказиб бериб, аёвзига, ўзаро шартномага мувофиқ, ўзларига зарур материаллар олишмоқчи эди. Бироқ 2 миллион 895 сўмлик дастгоҳ олишган, қол-қос. Завод биринчи Россия корхоналарининг ўзидан 8 миллион 437 минг сўмдан зиёд ҳақини ундиришолмай таянч бўлиб юрибди.

«Чет»дан кўрилган бу зарарлар камчили қилганидек, корхона омирларидаги 200 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ҳам истеъмолга яроқсиз, деб топилди ҳисобдан

М. КАЛОНХОНОВ.

• Истиқлол мафкураси ва маданият

Ўзбекистон—жуда қадим маданиятга эга ўлка. Афсонавий мафкуралардан тортиб, Имоман Солейми мафкурасигача, Амир Темур сарвасидан Ичон қалъагача — барча-барчаси буюк ақлоқдорларимиз руҳио тафаккурини, орауи аълолини, истиқлол иттилолини мажонга кўз-кўз қилиб турибди.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби дунёда яққол ягона бўлиши улуғвор шаҳарларимиз миллимиз шону шавкати, кучу қудрати, билиму салоҳиятининг мил-сиз намунасини, биз бундан ҳар қанча фохр этсак арзийди. Президентимиз Ислам Каримов қалқимиз, Ватанимиз жаҳонга юз тўтуб, ўзалигини ағлашди тарихимиз бекиёс аҳамиятга эга эканлигини — бот-бот тақдорлаб, миллий истиқлол мафкураси тарихимиздан куч олиб, буюк боболаримиз меросидан сув ичишини алоҳида таъкид этмоқдалар.

Тарих ва маданият азалдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ҳар қандай ойда вақт ўтиши билан тарих тусини олади. Тарихий обидда эса маълула давр иқтисодий, маданий ҳаётининг излари қолади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ватанимиз ҳудудиди-даги барча маданий ёдгор-ликлар ўз моҳият-эътибори билан жуда қимматли ва ноёб бўлиб, уларни қўз қорачиғидек асраш ҳам фарз, ҳам қарз.

Халқ тафаккури, бугунги ва келажак тарихдан озқиланиб, ундан куч олади, деган гап минг бора ҳақиқатдир. Биз бугун ўтмиш меросимизга, ағналаримизга, урф-одатларимизга қайтар эканмиз, бу тарихимизни қайта идрок этиш ҳамдир. Халқ маросимлари, оғзаки ижоди, фольклори, достону қўшиқлари, ағна-ялларидан, бебаҳо маданий дурдоналари, миллимизни қор-тираси, ўтмишю кемиши-нинг таъриқидир. Ўтмиш маданий меросини бағрида шундай ажойиб қайтарилмас ва бир-бирига ўхшамас дур-донлар мунасабати, булар халқимиз қўнғилдек кенг, тилидек бой, табиатидек ранг-барангдир. Хоразм ла-парлари, Сурхон достона-лари, Фарғонанинг катта ашу-лалари ҳазил-мутойиба-ларининг ҳар бири ўз қиёфа-сига, ўз сеҳрию жоизбаси-га эга.

Истиқлолимиз маданий тараққиётини истиқлоли-ни белгиллаб, маънавий ҳа-ётимизга янгилаштириш, эркин-лик шамолиларини олиб кел-

ди. Биз мустақиллик ту-файли аввало қадр-қимма-тимизни, ўзлигимизни та-ниниб, англаб, жаҳон сахна-сига дадил қадам қўя бош-ладик. Озодлик туфайли ма-даний ҳаётимизга соф мил-лий қадриятлар етакчили-қила бошладик. Маданият муассасаларида, театрлар-да ва кутубхоналарда ҳақиқий энг нурлари тарала бош-ладик. Мазкур масканлар ком-мунистик сийёсат тарғибот-чилик юқидан халос бўлиб, халқ манфаатларига хизмат қила бошладилар.

ХАЛҚ БАҒРИДА ЯШИРИНГАН ЗИЁ

Юртимиз шаҳару қишлоқ-ларида ўтаётган маданий тадбирлар мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Байрамла-ру оммавий сайилар, тур-ли маросиму йиғинлар чи-накам халқона, тарихий қўрилишю руҳи билан одуриларда ўзгача қайфият, янгича қараш уйғота бош-ладик. Энг муҳими — сийёс-ий кампаниябозлик, ортиқча ҳайқиринг мақтовлар ис-нам-жасидан қутилиб, оғза-боболаримиз ағналарига мос ва уларнинг ўзини давомин сифатида байрамларини иш-қонлай бошладик. Бундай ҳайрли ишлар марказида кўп минг сонли маданий ҳодимлари, санъаткорлар турганлиги биз учун ало-ҳида қувончли ҳодисадир.

Президентимиз Ислам Каримов республикамиз бир гуруҳ адиблари билан ўт-казган учрашув — ва Олий Кенгаш XII сессиясига сўз-лаган нутқларида энгилла-римиз олдида миллий истиқ-лол мафкурасини яратиш масаласини қўйдилар. Истиқлолимиз мафкурасида маданий ишлари асосий ўрни тутиши ҳеч қимга сир эмас. Мафкура ва мада-ният ҳаминча бир-бири билан боғлиқ ҳодисадир. Шу боис биз, маданият мута-

сатдилари олдида бир қан-ча долзарб ва миқёс кенг вазифалар турибди. Булар-нинг ичиди маданий турму-шимиз ривожини ва миллий истиқлолимизга сиқидил-дан хизмат қиладиган жо-нуқ мутахассис кадрлар тайёрлаш энг муҳим масала ҳисобланади.

Айни пайтда мамлакатим-изда юксак малакали ма-даният ҳодимлари тайёр-лашга қаратилган бир не-ча таълим доғроҳлари мав-жуд. Шулар орасида инсти-тутимиз алоҳида ўрни ту-тади. Кейинги икки йил ичиди олийгоҳимиз моддий-техника базаси, мутахас-сис тайёрлаш имкониятлари сезиларли даражада кен-гайди. Янги ўқув дастура-ри ва дарсликлар яратиш-

миз олимлари доимо ғай-рат кўрсатиб қатнашмоқда-лар. Сўнгги йилларда буюк бо-боларимиз қадимжолари бўйлаб ўнлаб сафарлар уюштирилди. Бундан таш-қари, қарош туркий халқ-лар манзиллари бўйлаб ва уларнинг ўзига хос уду-м-одатларини ўрганиш, фоль-клорини тадиқ этиш учун ўтказилган илмий сафарлар-да жамоамиз тадиқотчи-лари жуда қимматли маъ-лумотлар тўпладилар.

Биз ҳақли равишда ку-табхонашунслик фани ва унинг оммавий қўллашиш асослари республика мар-кази институтимизда шакл-ланди деб, бемалол айта оламиз. Ватанимиз ҳудуд-иди кутубхоналар

сил олишган ёки олиш-моқда. Бундан бўён халқ ҳаваскорлиқ ансамбллари-ни ташкил этиш ҳаракати-ни янада кучайтириш маъ-садида олийгоҳимизда мил-лий санъатимиз бўйича му-тахассис-кадрлар тайёрла-ни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари қўрил-моқда. Талабаларимиз беш нафар Ўзбекистон халқ ар-тисти, беш нафар хизмат кўрсатган артист ва олти нафар хизмат кўрсатган фан, санъат ва маданият ҳо-димидан санъат сирларини ўрганишмоқда.

Миллий истиқлол мафку-расининг негизи буюк ва қадимий халқимиз ҳаёти, тарихи, ижодкорлиги ва келажакда муҳассамдир. Биз халқ турмуши бағрида яширинган тенгсиз, таъриф-сиз маънавий дурдоналар-ни энг шамлири билан ёри-тиб, ақлимиз, тафаккури-миз маҳсулига айлантириб ва уни яна халқимиз ўзига қайтаришимиз лозим. Ма-даният ҳодимлари касблари тақозоси билан халқ ораси-да кўпроқ бўлишди, унинг ташвишу қувончларига ше-рик, яхши-ёмон қулариди хизматда бўлишди.

Бугунги кунда халқ манфа-атларига чинакам хизмат қи-лиш мустақиллигимизга, Ва-танимиз келажакига ҳи-мат қилиш демекдир. Истиқлол мафкураси биз, мада-ният ҳодимлари олдида қўй-ган энг асосий вазифа — маънавий ҳаётимизни улгу-вор ва аждодларимиз ма-даний меросига муносиб асарлар билан бойитишдан иборатдир. Президентимиз ва ҳукуматимиз маданият, илм-фан ҳождимларини иқ-тимой жиҳатдан муҳофа-за қилиш, уларнинг сама-рали ишлаши ва ижодкорли-гини ўстириш учун доимо ғамхўрлик қилимоқда. Му-қаддас байрамимиз — Мус-тақиллик кунининг икки йиллигини тантанали иш-шонлашга қизғин тайёргар-лик кетаётган айни шу кун-ларда биз ҳукуматимизнинг ана шундай олжанаб ғамхўрлиги ва муруватига ҳалол меҳнатимиз, ватан-парварлик фаолиятимиз билан жавоб бериш иштиёқи билан яшаб, ишламоқдамиз.

Азиз ТУРАЕВ,
Абдулла Қодирий номи-даги Тошкент давлат ма-даният институти рек-тора.

Жаҳон 24 соат ичида

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎХВАТ

Буюк Британия Бош вази-ри Ж. Мейжор АҚШ Пре-зидентини В. Клинтона билан телефон орқали сўхбат-лашди. Унда асосан етти давлат раёбарларининг Тошкентда очилган ўра-тушун кун тартибиди-даги масалалар муҳокама қилинди.

Дунё иқтисодиётини, халқ-аро савдо-сотиқни ривожлан-тириш, «Учинчи дунё»даги аҳвол муаммолари тилга олинди. Икки мамлакат раё-барлари ядро синовларини 15 ойгача тўхтатиб туриш масаласига қисқача тўхта-либ ўтишди.

АҚШНИНГ ОГОҲЛАНТИРИШИ

Яқинда кун АҚШ дав-лат котиби У. Кристофер телевидиомодаги сўхбат-да, агар араблар билан исроилликлар сулҳга ту-зукроқ иттилошларини на-моён этишмаса, АҚШ ик-ки ўртадаги музоаварлар-да фасол асосатчилик қи-лишни тўтатади, деб огоҳлантирди.

Биз ихтилофларни бар-тарafd этишга қўмақлашди-ган баъзи гоиларни ўртага ташладик, деди у. Агар бу гоиларга эътибор берилма-са, менинг ҳам, Президент Клинтонинг ҳам қиладиган бошқа ишларимиз кўп, деб таъкидлади давлат коти-би.

ХИТОЙ — АНГЛИЯ МУЗОАВАРАЛАРИ АРАФАСИДА

Хитой Буюк Британия таъши ишлар вазири Дуглас Хардинг 8 июлда Пекингга қилганда таъширчи дустр матижага эришни маконини беришдан умиддор, де-ди ХХР таъши ишлар ва-зирининг ўринбасари Цзин Эньчун.

Маълум бўлишича, музо-караларнинг ҳозирги етти-чи давраси арафасида Пе-кин билан Лондон бир-бир-ларини қўшма баённома ва илгари имзоланган бошқа ҳужжатлар руҳига роял этишга қақирдилар. Шу ҳужжатларда Британия на-зорати остида турган Гон-конгни 1997 йилга қариб Хитойга қайтариб бериш тартиби кўзда тутилган.

ПОКИСТОННИНГ ТАҚЛИФИ

Покистон яқинда кунн Босния ва Герцеговина му-суммонларига ёрдам бе-риш масаласини муҳокама қилиш учун ислом давлат-лари таъши ишлар тақлиф-ларининг шонлинич ке-нгашини қақириниш тақлиф қилди.

Ахборот маҳамаларининг ҳабарига кўра, Покистон Таъши ишлар вазирининг расийи вакили бу учрашу-вин 12 июлда Исламободда ўтказилиш белгиланганини маълум қилди. Унда Миср, Эрон, Сенегал, Туркия, Сау-дия, Арабистон, Индонезия ва Марокко таъши сийёсат маҳамаларининг бошқилар-ни қатнашадилар.

АСОСИЙ МАСАЛА

Россиядаги демократия ва бозор иқтисодиёти қар-ор топишга қўмақла-шиш бизнинг умумий манфаатларимизга мос кели-лиши шубҳасиз, — деди АҚШ давлат котиби У. Кристофер Эи-би-си теле-компанияси кўрсатувида гапириб.

Бу масала «еттилар гуру-ҳи» раёбарларининг Токио-даги кенгаши кун тартиб-ида асосий масалалардан би-ри бўлади.

Яқинда Халқаро валюта жамағатмиси Россияга 1,5 миллиард доллар ажратили-шини маълум қилди. Бунинг аҳамияти катта. Агар Рос-сия ўтмишга қайтиб, яна «совуқ уруш» бошлангудек бўлса, бюджет соҳасидаги ҳама режаларимиз беҳудда кетади, чунки мудофлага яна аввалгидек ҳаражат қи-лишимизга тўғри келади, деди давлат котиби.

БОШ ВАЗИРИНИНГ ФИКРИ

Франция Бош вазири Э. Балладур бундай деди: Франция бир кун келиб «барча» ядро синовлари узил-кесил тақиқланган иттилоқда. Бироқ ҳар қандай ҳождида ҳам мам-лакатнинг адровий кучла-ри «отарили даражада бў-лиши керак».

Бош вазир «Франс—2» телекомпанияси кўрсатуви-да гапириб, Президент Ф. Мит-теран билан биргаликда ҳар-биюлар ва олимлардан иборат махсус мутахассислар гуруҳини тузишга идрок қи-лиганини айтди. Шу гуруҳ идроний синовларни тўхтатиб туриш Франциянинг «ядро-ий қўчтинчи» қуларига қандай таъсир қилишини белгиллаб беради.

Зангнота районидидаги «Қо-расув» давлат ҳўжалиги асо-сан мева ва сабзавотчилик-ка иқтисосланган. Ҳўжалик далаларида ҳозир айни пи-шиқчилик палласи. Ўзе-кистон халқ депутати Шав-кат Нуриддиннов бошлиқ 6-бригада аъзолари етилган ҳосилини йиғиштириб олиш-да бошқаларга ўрнак бўлиш-моқда.

— Бу йил яхши ҳосил тўпладик, — дейди Ш. Ну-риддиннов, — худо хоҳласа, бозорларимиз янада арзон бўлади.

СУРАТЛАРДА: бригада аъзоси Зоҳида Сулаймонова (чапда), Ш. Нуриддиннов етилган ҳосилини чамаламоқ-да.

Н. МУХАММАДЖОН олган суратлар.



Чўнтакдаги... ШАРБАТ

СМР ЭМАСКИ, боз ва темердорларимизда, тоқзорла-римизда еттиришадиган мева-мўлжалларининг қарийб ундан бир қисми на истеъмолга ва на қайта ишлаш нерхоналарига етиб бормай, йша ерининг ўзиди нест-нобуа бўлиб кетади. Яна қанчаси савдо дўконларида йўқотилади...

Шунинг учун ҳам қишлоқ тўмалик маҳсулотларини қайта ишлаб, турли ноз-неъмату консерваларга айлан-тирадиган замонавий технологиялар бизга сув билан ҳаводан ваеру. Уларни эса қоримдан еттиришга ода-либ қолганимиз, гўё ҳамма ақши нарсалар чет эллардаю бизда эса йўқдек. Ҳатто ҳозирча тақчил бўлиб турган авалланин ҳам аямайлик. Вақоланин, ўзимизда ҳам зук-но мутахассислар еттиришга топилади. Уларнинг тохи-логийларин билан еттиришган маҳсулотлар қоримин-шдан ҳечам қотинмайди.

Дияс РҲУМИЙ сехрларлар-га хос ҳаракат билан сарин-рапгил тузма (порошокдан ярим чой қошиқ) ҳажмида олиб, ставанга солин-да, во-допровод жуғрайдан сув буради. Ҳосил бўлган туш сарин рангли иччимлигини мевага узати. Ичиб қўри-миз, ранги, исси ва таъмига асосланиб тахлил қилдик.

— Сабзи шарбати. — Худди ўзи, — тасдиқ-лади у. Мана, лавлагиники, — деди суфра пуштиранг туй-мани кўрсатиб. — Буларди-турп, помидор, олма, тарвуз-дан тайёрланган туймалар.

Лабораториянинг шиша идишларига жойланган бу туймаларнинг ҳар бири 200 грамм, яъни тўла бир стакан чинади.

— Демак, айтиш мумкин-ки, мана шу ставанларнинг ҳар биринда... челек шарбат бор, — танимин идиб кетди Румий. — Хоҳласангиз, бир сиким туймани чўнтагингиз-га солиб кетаверасиз, бир челек сув эса ҳамма орда топилади.

Бундай таёёр қуруқ ма-саллиқнинг афзаллиги шунда-ки, уни идишга жойлаш, сақ-лаш, тешиш осон, қулай ва

арзонга тушади. Тибиёт ҳо-димида маҳсулотини текши-риб қўришди ва тозалани, дармондорилиги ҳамда жам-ини фойдалан моддалари сақланганлиги ҳақида ҳуж-жат тайёрлаб беришди.

Ҳар қандай деҳқончилик маҳсулотларини — сабзавот, мева, қўкатлар ва гуллардан эрийдиган туйма тайёрлаш қурилисининг Ўзбекистон Фанлар академиясининг элек-троника институтини мутахас-сислари ўйлаб топишди ва яратдиш. Унинг муаллифла-ридан бири шу институт хо-дими ва ўриндошлари бўйича «Протон» кичик илмий-тади-қот корхонаси раёбарини, физика-математика фанлари номзоди Дияс Румийдир. Ик-тиричилар дастлабки қурил-мани ўзларида ўрнатиди. У буюртмачилар учун наму-на вазифасини ўтаётгина қол-май, бир кеча-кундузда (ўз-сменада) ўн килодан махсу-лот тайёрлаб бермоқда. Дар-воқе, буюртмачиларнинг хо-ҳишларига қараб қурилма-нинг қувватини ошириш ҳам мумкин.

Қандайтачилик фабрика-лари ва ошпазлар мева-саб-завот туймаларини қўлаб ҳарид қилаётдилар. Дор-тайроқчилик ва атир-упа-чилар ишқат ва гул туймала-

ларида харидор бўлишяпти. Хуллас, янги қуруқ маса-лиқларнинг бозори қаққон.

Бунинг устига қурилма жуда ихчам ва мухтасар исалган, бор-йўғи ўн квадрат метр кенгликдаги жойини эгаллайди. Агар керак бў-либ қолса, уни ҳатто авто-машинанинг тирмакасига ҳам ўрнатиш мумкин, электр қув-вати тармоғига улаш имко-ни бўлса бас, далам-дала, боғма-боғ судраб юраверила-ди. Бир сўз билан айтганда, айниқса, қишлоқ ишбилармон-лари, ҳўжаликлар, ширкат-лар, фермерлар учун қулай қурилмадир.

Аммо, афсуски, жумҳурия-тимизда «Протон» техноло-гисиз борлигини қўнчилик билмайди ва фойдаланмайди. Хоржидан ускуналар, чой, кофе ва ҳар хил кичикликлар-ни ташиб келиб, тижорат дў-конларини тўлдириб ташла-ганимиз. Вақоланин, шундоқ-чина қўл остида турган ўзимизники эса анча арзон ва қулай.

Л. ОРЛОВА.

Қизилқушлар учун Тош-кентдаги телефон рақамла-рини маълум қиламиз: 89-94-35, 58-54-32, факслар: 33-72-58, 33-76-40.


«Хабарнома» — «Пресс-бюллетень»нинг 9-сони

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг наш-ри «Хабарнома» — «Пресс-бюллетень»нинг навбатдаги сони босмадан чиқди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 1 январдан 31 мартгача чиқар-ган барча Фармонлари бе-рилган. Тарих бўлиб қола-ётган ҳар бир ой, йилининг ўтган ҳар бир қорати Ўзе-кистон мустақиллигини му-стақамлашга муҳим қадам-дир. Журналдаги Президент фаолиятига доир ахборотлар ва бошқа материалларда бу ўз аксини топади.

Шуни эслатиб ўтмоқчимиз-ки, нарх-наводга кескин ўз-гартишлар «Хабарнома»ни нашр этишга ҳам ўз таъси-рини ўтказмоқда. Натжида 1993 йилга обуна бўлганлар нашрининг кейинги сонлари-ни тўлиқ оқшлари ушун қў-шимча 550 сўм тўлашларига тўғри келади.

Қўшимча обуна учун рес-публиканинг барча алоқа тармоқларига 1 августгача мурожаат қилишимиз мум-кин.

Нашр кўрсаткичи: 75453.



ЎЗБЕКИСТОН-КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ!

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги келишувга асосан Асака шаҳрида автомобил ишлаб чиқарувчи завод қурилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти ғояларининг амалга ошаётганидан далолатдир. Автомобилсозлик саноатининг кўплаб соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳондаги 200 дан ортиқ давлатнинг фақатгина 25 таси автомобил ишлаб чиқараётганлиги заводнинг Республика учун қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди. Асакадаги автомобил заводи - бу Мустақил Ўзбекистоннинг амалий одимларидан биридир.

"ЎзДЭУавто" кўшма корхонасининг маъмурияти Ўзбекистон шарафини улуғловчи, саноатнинг янги соҳасини яратиш ишига ўзида куч ва билимни ҳис қилган барчага янги автозаводни таништиради.



ЎЗ - ДЭУ АВТО

Ўзбекистон
Тошкенбоев кўчаси, 258
Асака ш.
Ўзбекистон
Тел: 2-38-80, 5-47-04

Корея
23, Сонджудонг, Чхангвон ш., Корея
Факс: (0551) 62-1209
Тел: (0551) 69-1234, 69-1389

UZ - DAEWOO MOTORS CO

Uzbekistan
258, Tashkenboev street,
Asaka
Uzbekistan Republic
Telephon: 2-38-80, 5-47-04

Korea
C.P.O. Box 67 Changwon, Korea
23, Sungju-dong, Changwon-city,
Korea
Fax: (0551) 62-1209
Tel: (0551) 69-1234 Direct (0551) 69-1389

"ЎзДЭУавто" кўшма корхонасидаги ишнинг афзалликлари:

1. Иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси машинасозлик комплексидаги ўртача иш ҳақидан 2-3 баравар кўп бўлади.
2. Жавобга мувофиқ 1993 йилнинг августидан 1995 йилнинг июлигача 1000 дан ортиқ киши Кореяда иш ўрганиб келади. Булар директорлар, бошқарувчилар, муҳандислар, ходимлар ва ишчилардир.

Танлов учун ҳужжатлар 1993 йилнинг 15 июлигача топширилади.

Ҳужжатларнинг номи ва ularни қабул қиладиган манзиллар:

1. Қадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
2. Таржимой ҳол.
3. Диплом нусхаси (ўқиш доғидида баҳоқлардан кўчирма бўлади).
4. Мажбурий дафтарасидан нусха.
5. 5x6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат.
6. Тиббий маълумотнома.

Тошкент шаҳрида:

Тошкент шаҳри, Намойишлар ҳайбони, 2,
"Сельхозмаш" концерни, 317-хона.
Маълумотлар учун телефон:
39-17-90 Д.Юнусов

Асака шаҳрида:

Асака шаҳри, Тошкенбоев кўчаси,
258, "ЎзДЭУавто" кўшма корхонаси
(прицеп заводи).
Маълумотлар учун телефон:
(37436) 2-38-80 Н.Шиялов



Ҳавола этилган ҳужжатлар танлов ҳайъати томонидан 1993 йилнинг 20 июлигача кўриб чиқилади.
Суҳбатга киритиладиганларнинг рўйхати 1993 йил 21 июль кунини заводда эълон қилинади.
Қуйидаги лавозимларга ҳужжат топширган номзодлар билан суҳбат ўтказиш тартиби:

1. Тошкент шаҳрида ҳужжат топширганлар билан 29.07.93 й. Асака ш., прицеплар заводи.
2. Директорлар ва бошқарувчилар билан: 26.07.93 й, соат 9.00, Асака ш., прицеплар заводи
3. Муҳандислар билан: 27-28.07.93 й, соат 8.00, Асака ш., прицеплар заводи
4. Бошқа мутахассислар билан 30. 07. 93 йил соат 9.00. Асака шаҳри, прицеплар заводи.

Танловнинг натижалари комиссия иши якунлангандан 10 кун кейин исм-шарифлари кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

"ЎзДЭУавто" кўшма корхонаси маъмурияти

Бугун бизга қуйидаги ихтисосликлар бўйича еш истеъдодлар, муҳандислар, конструкторлар, технологлар, ишлаб чиқарувчилар, иқтисодчилар, таржимонлар, усталар ва ишчилар керак.

1. ДИРЕКТОРЛАР

Бўлимларнинг номи	Ходимлар	Мутахассислик ва стаж
Ража назорати ва нархлар учун назорат	1 (киши)	45 ёшга тўлмаган Режалаштириш тажрибасига, масалан заводида стратегик рожасини тузиш ва компанияни бошқариш режаси. Бошқарувнинг ишлаб чиқаришни узоқ муддатга ва кеска муддат учун режалаштиришдан қўллаётган фойда.
Маъмурият	1 (киши)	45 ёшга тўлмаган Шундай лавозимда ва шу турдаги заводаларда 15 йиллик стажга эга бўлиш керак.
Ахборот системаси	1 (киши)	45 ёшга тўлмаган Ишлаб чиқаришнинг назорат қилиш учун компьютер тизимдан фойдаланиш бўйича стажга эга бўлиш керак; - таъминот, молия ва бухгалтерия тизимини назорат қилиш.
Ички харид (таъминот)	1 (киши)	45 ёшга тўлмаган Стандарт қисиларни нафақат Ўзбекистонда, балки МДХ мамлакатлари ва хорижий давлатлардан ҳам сотиб олиш тажрибасига эга бўлиши шарт.
Ишлаб чиқариш	1 (киши)	45 ёшга тўлмаган Автомобил компанияларига ўқшаб турдаги заводларда ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлиши керак.

3. Бошқарувчилар (менеджерлар) 20 киши.
30-40 ёшдагилар.
Маълумоти: олий (машинасозлик мутахассислари).
Булим ақи цех бошлиғи бўлиб 7-10 йиллик стажга эга бўлганлар.
4. Муҳандислар (механиклар, металлургия, технологлар, конструкторлар, электриклар, дастурчилар, иқтисодчилар) 80 киши.
30-40 ёшдагилар.
Маълумоти: олий (политехника ва автомобил йўллари институтини).
3 ва ундан кўп йиллик муҳандислик тажрибаси.
Инглиз ақи корейс тилини билса яна яхши.
5. Усталар: прессловчи, гальваник, бўёк бериш, пайвандлаш ва йиғув цехларига 60 киши.
25-30 ёшдагилар.
Маълумоти: ўрта-маҳсус (техникум).
3 йиллик иш тажрибасига эга бўлганлар.
6. Қуйидаги мутахассисликларга 60 киши:
- корейс тили таржимонлари (техникавий атамалардан хабардор), 40 ёшгача;
- инглиз тили таржимонлари (техникавий атамалардан хабардор), 40 ёшгача;
- олий маълумотли иқтисодчилар, 40 ёшгача;
- олий маълумотли бухгалтерлар, 40 ёшгача.



RICHMOND



RICHMOND



Бизнинг Ўзбекистондаги савдо агентларимиз: "Мунис ЛТД",
"Хесо ЛТД" фирмалари ҳамда "Фриа" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан
олишингиз мумкин: Тошкент,
Катта Миробод кўчаси, 158 (Ивлев, 67),
Табани групп оф компаниз.

Телефонлар: (3712) 32-35-53,
54-06-70,
54-07-98,
55-35-49
Факс: (3712) 54-08-30
Телекс: 116416 TBANI, SU.

Бошқарувчи Аббасов